

М.М. МУХАММЕДОВ,
М.К. ПАРДАЕВ

ИҚТИСОДИЙ ОНГ ВА
ИҚТИСОДИЙ ТАҒАККУР
ҲАҚИДА НИМАНИ
БИЛАМИЗ?

РИСОЛА

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

М.М. МУХАММЕДОВ, М.К. ПАРДАЕВ

**ИҚТИСОДИЙ ОНГ ВА ИҚТИСОДИЙ
ТАФАККУР ҲАҚИДА НИМАНИ
БИЛАМИЗ?**

РИСОЛА

Самарқанд 2024

Мухаммедов М.М., Пардаев М.К.

Иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккур ҳақида нимани биламиз? Рисола. Самарқанд – 2024 й. – 46 бет.

Тақризчилар:

профессор Д.Х. Асланова
и.ф.д. М.Т.Алимова

Рисолада кишилик жамияти иқтисодий ҳаётининг долзарб муаммолари тадқиқ этилган. Айнан иқтисодий соҳа инсон ҳаётининг ва турмуш тарзининг етакчи омили, иқтисодий фаолият жараёнида ишлаб чиқариладиган моддий ва маънавий ноз-неъматлар эса уни яшашининг ягона шарти ҳисобланади. Улкан илмий салоҳиятга эга бўлган муаллифлар ҳар бир кишининг (оиланинг) ва бутун мамлакат аҳолисининг мўл-кўлчиликда бой-бадавлат ҳаёт кечиришининг асл сабаблари, чуқур илдизлари нимада эканлиги хусусида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини баён қилганлар. Рисолада юксак иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккур алоҳида индивиднинг ва жамиятнинг иқтисодий соҳадаги ютуқларининг бош омили эканлиги хусусидаги янгича ёндашув ўз аксини топган.

Рисола иқтисодий билимларга қизиқиши бор кенг китобхонлар аудиториясига, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юрти ўқувчи-талабаларига, илмий тадқиқотчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Рисола Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услубий Кенгашининг 2023 йил 31 - октябдаги 3 - сонли йигилишининг қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

К И Р И Ш.....	4
ИҚТИСОДИЙ ОНГ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУР, УЛАРНИНГ БИРЛИГИ ВА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ.....	5
Иқтисодий онг ва тафаккур – мамлакат иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг муҳим омили	10
Мўл-кўлчиликда бой-бадавлат яшашнинг яширин сири	11
Иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурни замон талаблари даражасига кўтаришнинг долзарб муаммолари.....	15
Истеъмол маданияти ва иқтисодий тежамкорлик мўл-кўлчиликда бой-бадавлат яшашнинг омили сифатида	19
Иқтисодий тежамкорлик ҳақида қадимдан қолган ибратга лойик ривоят.....	21
Иқтисодий таракқиёт суръатларини жадаллаштиришда давлат ва кенг халқ оммаси ўзаро ҳамкорлиги.....	25
Иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурни ривожлантиришда таълимнинг роли	28
Иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг чексиз имкониятлари	31
Биринчи мисол	35
Иккинчи мисол.....	37
Учинчи мисол.....	44
Хулоса.....	45

SAMARQAND IQTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

К И Р И Ш

Яшашимиз ва ишлашимиз учун бизга кулай шароит яратиб берадиган ҳашаматли бинолар, боғу-роғлар, узоғимизни яқин қилаётган “тез чопар” автомобиллар, чарчаганимизда жонимизга оро берувчи дам олиш масканлари, таълим муассалари, ширин, маззали таомлар, биз севиб ўқийдиган китоблар... буларнинг барча-барчаси инсон иқтисодий фаолиятининг меваларидир. Жамиятдаги барча тирик жонлар дунёсида фақат инсонгагина хос ушбу нодир фазилат инсоннинг табиат устидан ҳукмронликка эришишнинг бош омили, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Тадқиқот этилаётган мавзуга оид муҳим тушунчаларнинг, яъни “иқтисодий онг” ва “иқтисодий тафаккур” тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги хусусида ўзимизнинг айрим фикр-мулоҳазаларимизни баён қилишни зарур, деб топдик.

ИҚТИСОДИЙ ОНГ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУР, УЛАРНИНГ БИРЛИГИ ВА ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

Онг ва тафаккур азал-азалдан файласуфларнинг диққат марказида турган муҳим фалсафий тушунчалар бўлиб, улар инсоннинг ақл ёрдамида борликни тушуниш, идрок этишнинг ўзига хос воситалари сифатида пайдо бўлган. Лекин биз ушбу кенг камровли (сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, диний, этник ва бошқалар) тушунчаларнинг келиб чиқиш сабаблари ва тарихи, уларнинг мазмун-моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, бу борада олимлар ўртасидаги баҳс-тортишувлар ва мунозаларни таҳлил қилмоқчи эмасмиз. Ушбу таққиқотда биз онг ва тафаккурнинг фақат иқтисодиёт билан алоқадор жиҳатларини, яъни “иқтисодий онг” ва “иқтисодий тафаккур” тушунчалари билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик.

Бизнингча, иқтисодий онг – ташқи оламда содир бўлаётган иқтисодий воқеликлар, иқтисодий жараёнлар, иқтисодиёт борасидаги назарий тадқиқот ва амалий тажриба жараёнида ҳосил бўлган тасаввур ва билимларнинг инъикосидир. Инсон онги юксак даражада тузилган материянинг ноёб хоссаси сифатида, жамиятда ва инсон шахсий ҳаётида кечаётган иқтисодий муносабатларни, уларнинг моҳиятини билиш, тушуниб етиш, идрок этиш ва амалиётда қўллаш имконини беради. У ижтимоий онгнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, унда иқтисодий билимлар, иқтисодий ҳаёт борасида жамланган бой тажриба билан биргаликда, инсоннинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлари, ижтимоий-иқтисодий реалликни баҳолаш тўғрисидаги дунёқараш ва хулқ-атвори ўз аксини топади.

Иқтисодий тафаккур эса инсон ақлининг олий маҳсули бўлиб, инсон иқтисодий онгини янада ривожлантириш, уни мантиқий жиҳатдан қайта ишлаш, такомиллаштириш асосида юксак даражаларга кўтариш, инсон онгида аллақачон шаклланган иқтисодий билимларни янги ғоя ва назариялар билан тўлдириш,

бойитиш имконини берувчи жараёнدير. Иқтисодий тафаккур жараёнида инсон ўзининг кундалик ҳаёти ва келажаги учун зарур бўлган иқтисодий муаммоларнинг инновацион ечимларини излаб топади. Бошқача сўзлар билан ифодалаганда, иқтисодий тафаккур иқтисодиёт илмини бойитишнинг, уни янги даражаларга олиб чиқишнинг қудратли курули, локомотивидир. У инсоннинг иқтисодиётга оид турли-туман ахборотларни қабул қилиб, уни ақл ёрдамида таҳлил қилиш ва унга таянган ҳолда, иқтисодиёт борасида самарали қарорларни қабул қилишга қаратилган яратувчанлик фаолияти. Демак, иқтисодий тараққиётга эришишда, қимматбаҳо ресурслардан унумли ва ўринли фойдаланиш муаммосини ҳал этишда, жаҳон бозорида иқтисодий устунликка эришишда, иқтисодий жиҳатдан дунёнинг қудратли давлатларидан бирига айланишда, мўл-қўлчиликда бой-бадавлат ҳаёт кечириш бахтига муяссар бўлишда иқтисодий тафаккурнинг роли беқиёс.

Иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккур ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ категориялар бўлиб, улар ягона, яхлит бир бутуннинг ажралмас таркибий қисмларидир. Улар биргаликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда, иқтисодиётни ривожлантиришда фаол иштирок этадилар, уни тараққиётнинг осмонўпар чўққиларига олиб чиқишнинг яккаю-ягона шарти ҳисобланадилар. Иқтисодий тафаккур иқтисодий онг замирида юзага келади, ундан озуқа олади, унга асосланади, унга таянади. Ўз навбатида, иқтисодий тафаккур иқтисодий онгни ривожлантиришнинг, уни такомиллаштиришнинг, иқтисодиёт соҳасидаги билимларни янги даражаларга кўтаришнинг, олдин маълум бўлмаган янги илмий назариялар билан қуроллантиришнинг муҳим воситаси, ишончли усули ҳисобланади. Инсон ўз онгида аксини топган, хулқ-атвор сифатида шаклланган иқтисодий ғоянигина ҳаётга тадбиқ қилиши мумкин. Яъни, инсон иқтисодий фаолият юритганда, фақат ўзининг онгида шаклланган, ўз аксини топган иқтисодий билимларидан келиб чиққан ҳолда, амал қилади, иқтисодий фаолият юритади, уни кундалик ҳаётга тадбиқ қилади. Масалан, инсон ҳали иқтисодий фаолият юритиш мумкинлиги, ҳақида

ҳатгоки оддий тушунча ва тасаввурга ҳам эга бўлмаган ибтидоий жамоа даврида, борликда мавжуд нарсаларнинг (ёввойи ҳайвонларнинг, ёввойи дарахт ва ўсимликларнинг, ариқда оқаётган ёки булоқдан чиқаётган сувнинг) табиати, айрим хусусиятлари, бошқа муҳим жиҳатлари хусусида дастлабки билимларни ўз онгида шакллантирди. Ушбу билим ва тасаввурларни иқтисодий тафаккур ёрдамида мантиқий жиҳатдан қайта ишлаш ва ривожлантириш асосида у ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш чораси сифатида ёввойи ҳайвон ва ўсимликларни хонакилаштириш мумкинлиги ва зарурлиги тўғрисида янги иқтисодий ғояларни излаб топди ва амалиётга жорий қилди. Иқтисодий онг ва тафаккур ёрдамида яратилган ва амалиётга муваффақиятли жорий этилган ушбу янги иқтисодий ғоя инсоннинг очлик азоб-уқубатларидан қутулишида ва нисбатан енгилроқ ҳаёт тарзига ўтишида жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган муҳим босқич бўлди.

Ҳаётий эҳтиёжларни қондириш борасида эришилган катта муваффақият, бир томондан, уларни қондириш борасида ҳали ҳал этилиши лозим бўлган сон-саноксиз муаммоларнинг мавжудлиги, иккинчи томондан, инсонни иқтисодий онг ва тафаккурнинг янги имкониятларини излаб топишга рағбатлартирди. Ҳаётий эҳтиёжларни қондириш йўлидаги тинимсиз изланишлар натижасида инсоният хонакилаштирилган ҳайвон ва ўсимликларни сунъий кўпайтириш (урчитиш, пайвандлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва ҳоказолар), йирик-йирик хўжаликларни ташкил қилиш, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш каби муҳим босқичларни кетма-кет босиб ўтди. Бугунги кунга келиб, инсон ўзининг юксак иқтисодий онги ва тафаккурига таянган ҳолда, иссиқхона ва парникларни ихтиро қилди, уларнинг ёрдамида қаҳратон қишда баҳор ва ёзнинг иссиқ иқлимини сунъий тарзда яратиб, ўз истеъмол саватини янги узилган мева ва сабзавотлар билан тўлдириш имконини қўлга киритди. Гидропоника, генетика, томчилаб суғориш, клонлаштириш ва ҳоказолар, табиийки, буларнинг барчаси инсон

иктисодий онги ва иқтисодий тафаккурининг кишлок хўжалиги соҳасидаги ҳосиласи. Деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларида олдинда ҳали рўёбга чиқиб улгурмаган ва келажакда амалга ошиши муқаррар бўлган қанча катта имкониятлар борлигини ҳам бир тасаввур қилайлик. Бу имкониятларни рўёбга чиқариш, аҳоли барча қатламларини мўл-кўлчиликда тўқ-фаровон ҳаёт кечиришига эришиш инсон иқтисодий онги ва иқтисодий тафаккурининг янги, янада юксакроқ даражалари олдида турган муҳим вазифалардир.

Инсон ўзининг иқтисодий онги ва иқтисодий тафаккурининг чексиз имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда, нафақат кишлок хўжалигида, балки миллий иқтисодиётнинг қолган барча соҳа ва тармоқларида ҳам, истеъмолни сифат ва миқдор жиҳатидан тубдан ўзгартириш имконини берган чинакамига революцион ўзгаришларни амалга оширди. Демак, айнан иқтисодий онг ҳамда иқтисодий тафаккур ёрдамида яратилган янги иқтисодий билимлар биргаликда, инсоннинг иқтисодий фаолияти унумдорлигини оширишнинг, тўғри иқтисодий қарорлар қабул қилишнинг, унинг ўз меҳнатидан юқори натижа олиши ва бой-бадавлат яшашининг асосий шarti ҳисобланади.

Инсонда иқтисодий онг бўлмаса, иқтисодий тафаккур ҳам бўлмаганидек, иқтисодий онг ҳам иқтисодий тафаккурсиз ривожланмайди. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, айнан иқтисодий онг иқтисодий тафаккурни юксалтиришга катта ҳисса қўшади, унга эришишнинг асосий омили, унинг пойдевори ҳисобланади. Инсоннинг иқтисодий онги қанча ривожланган бўлса, унинг когнитив тафаккури, иқтисодий мавзуларда мушоҳада юритиш қобилияти, янги иқтисодий ғоя ва назарияларни яратиш имкониятлари ҳам шунча катта бўлади. Демак, иқтисодий онг иқтисодий тафаккурни юксалтиришнинг, юксак иқтисодий тафаккур эса мамлакатни жадал иқтисодий тараққиёт йўлига олиб чиқишнинг, илмий асосланган йўллариини излаб топишнинг асосий шarti, деб хулоса қилиш ўринли.

Инсон ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш муаммоларини бартараф этиш учун меҳнат қилишни, яъни иқтисодий фаолият бриташи, ўрганиб бошлади. Бугунги кунга келиб, инсон фаолияти таркибида иқтисодий фаолият марказий, бош ўринни эгаллайди. Чунки инсон айнан шу фаолият ёрдамида онгида ўз аксини топган илмий-назарий ғоялар ва амалий тажриба таъсири остида шаклланган билимларга, унинг негизида пайдо бўлган хулқ-атвorigа таянган ҳолда, табиатга фаол таъсир кўрсатади, уни ўзгартиради. Пировард натижада, у ўзининг кундалик эҳтиёжлари учун сувдек зарур бўлган турли-туман моддий ва маънавий ноз-неъматларни ишлаб чиқаради.

Халқнинг (алоҳида индивиднинг) тўқчилик ва мўл-кўлчиликда бой-бадавлат ҳаёт кечириши, биринчи галда, иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурнинг ҳосиласи, инсоннинг ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлатилаётган иқтисодий ресурслардан тежамкорлик билан унумли фойдалана олганлиги учун иқтисодиётнинг унга ҳадя этган тўхфаси, мукофоти. Бошқача сўзлар билан ифодалаганда, тўқ-фаровон ҳаёт инсон иқтисодий онги ва тафаккурининг чексиз имкониятларидан унумли фойдаланишнинг амалий натижасидир. Булоқнинг суви боғу-роғлардаги дарахтларнинг, ўсимликларнинг илдизларини суғориб, уларга ҳаёт бағишлаганидек, инсон онги ва тафаккури ҳам тараққиёт дарахтининг илдизларини ақл ва зиё нурлари билан суғориб, аҳолини зулматдан ёруғликка, қашшоқликдан мўл-кўлчиликка, тубанликдан билимдонликка олиб чиқишнинг кудратли воситаси. Агар, бордию, иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккур бўлмаганда эди, ер юзида ҳеч қандай иқтисодий ҳаёт ҳам, тараққиёт ҳам бўлмаган бўлар эди. Натижада инсон бошқа барча тирик мавжудотлар каби, табиатга тўла итоаткор, унинг шафқатсиз синовларига бардош беришга ожиз тирик жонлилар галасига айланиб қолган бўлар эди. Зотан, инсоннинг иқтисодий тафаккури қанча кучли бўлса, унинг иқтисодий онги қанча ривожланган бўлса, иқтисодий тараққиёт жараёнларининг суръати

ҳам шунча тезлашади, мамлакатда фаровонлик, тўкин-сочинлик муҳити яратилади.

Афсуски, иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурнинг моҳияти, уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришдаги алоҳида аҳамияти, уларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари тадқиқотчиларимиз эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Товар-пул муносабатлари бағамом издан чиққан режали иқтисодиёт шароитида иқтисодий онг ва тафаккурнинг жамият тараққиётидаги роли сезиларли даражада сусайган эди. Лекин, товар-пул муносабатларига кенг йўл очиб берган замонавий бозор иқтисодиёти шароитида вазият тубдан ўзгарди, ушбу омилнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги роли эса кескин ошди. Шу сабабли, иқтисодий онг ва тафаккурнинг жамият ижтимоий тараққиётидаги ролини ошириш муаммолари актуаллашди ва бу борада тизимли тадқиқотларни амалга ошириш, инсон иқтисодий онги ва тафаккурини замон талаблари даражасига кўтаришнинг ноанъанавий усул ва механизмларини излаб топиш, энг муҳими, ушбу механизмларни амалиётга жорий этиш, ўткир заруратга айланди.

Иқтисодий онг ва тафаккур – мамлакат иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг муҳим омил

Тўкин-сочинликда, қулай шароитларда тўқ-фаровон ҳаёт кечириш, бой-бадавлат яшаш иштиёқи, ноз-неъматларга бой, фаровон ҳаёт сари интилиш дунё барча мамлакатлари халқларига, умуман олганда, инсон зоти ҳаёт тарзига хос хислат. Сайёрамизда бой-бадавлат, тўқ-фаровон ҳаёт кечиришни бош мақсад қилиб қўймаган, орзу қилмаган бирон инсон бўлмаса керак. Асрлар давомида шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Мамлакатимизда ушбу эзгу мақсадларга эришишга нима тўскинлик қилади? Иқтисодиёт соҳасида чуқур билимларга эга бўлмаган кишиларда нима учун дунёнинг айрим мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган номинал ЯИМ 100 минг АҚШ доларидан ошиб кетганда

(Люксембургда 135 минг АҚШ доллари), бизнинг мамлакатимизда у атиги 2,3 минг АҚШ долларини ташкил қилади, деган саволнинг тугилиши, табиий. Зеро, аксарият кишилар бунинг асосий сабаби табиий бойликларда бўлса керак, деб ўйлайди ёки бошқа ҳақиқатдан анча йироқ сабабларни кўрсатади. Лекин, афсуски, камдан-кам кишилар ушбу ғайри табиий парадоксал ҳолатнинг асосий айбдори ўзимиз эканлигимизни, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва порлок келажаги, халқимизнинг мўл-кўлчиликда бой-бадавлат фаровон ҳаёт кечириши кўп жihatдан ўзимизга боғлиқ эканлигини идрок этмайди.

Табиий ресурсларга жуда қашшоқ, лекин дунёнинг иқтисодий жихатдан қудратли мамлакатларидан бирига айланган Япония ва, аксинча, ресурсларга жуда бой, аммо, қашоқликда, аянчли аҳволда кун кечириётган айрим Африка давлатлари тажрибаси мазкур муаммонинг асосий ечими моддий бойликларда эмаслигидан, унинг бошқа чуқур сабаблари борлигидан, далолат беради. Мамлакатда қудратли миллий иқтисодиётни барпо этиш, унинг реал имкониятларидан кундалик ҳаётимизда фойдаланиш бахтига муяссар бўлишнинг асл сабаблари хусусидаги ўзимизнинг айрим фикр-мулоҳазаларимизни баён этмочимиз.

Мўл-кўлчиликда бой-бадавлат яшашнинг яширин сирин

Мамлакатда амалга ошириляётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар халқимизнинг кўп йиллар сабрсизлик билан орзуқиб кутган умидларини рўёбга чиқаришга, тўқ-фаровон ҳаёт кечиришга имкон берадиган, унинг туб манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келадиган миллий иқтисодиётни шакллантиришга йўналтирилган. Танланган стратегия Янги Ўзбекистонга пировард натижада иқтисодий тараққиёт пиллапоясидан бой тарихимизга муносиб ўрин олиш учун, юртимизни дунёнинг иқтисодий жихатдан устун ривожланган мамлакатларидан бирига айлантириш, заҳматкаш халқнинг мўл-кўлчиликда бой-бадавлат ҳаёт кечириш бахтига муяссар қилиш

учун реал имкониятлар яратиб берди. Бундай имконият тарихда жуда кам учрайдиган ноёб иктисодий воқелик.

Ҳар қандай давлатнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг, ижтимоий-иктисодий тараққиётига ва аҳолининг турмуш даражасига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи сон-саноқсиз омиллар бор. Бизнинг назаримизда, ушбу омиллар таркибида Янги Ўзбекистонни қисқа муддатларда дунёнинг иктисодий жиҳатдан ривожланган, тараққиётга юз тутган, андоза олишга арзийдиган давлатларидан бирига айлантиришнинг учта асосий омиллари мавжуд. Биринчиси, асрлар давомида авлодларимиз меҳнати ва ақл-заковати билан яратилган ва бугунги кунда биз ўз эҳтиёжларимиз йўлида фойдаланиш бахтига муяссар бўлган бебаҳо тарихий мерос. Иккинчиси, Яратган сахийлик билан бизга инъом этган нодир ва ноёб табиий ресурслар. Учинчиси, иктисодий тараққиётда том маънода тўнтариш яшашга, бу борадаги улғу мақсадни амалий натижага айлантиришга тайёр турган, қодир бўлган, лекин вазият тақозоси билан муайян қисми хорижда меҳнат миграциясида, ишчи кучи ресурслари. Ўйлаймизки, ҳар уччала омилнинг улкан имкониятларини рўёбга чиқариш, Янги Ўзбекистонни аҳоли тўқ ва фаровон ҳаёт кечиришининг намуналаридан бирига айлантириш муаммосининг ечими кенг халқ оммасининг иктисодий саводхонлигини кескин ошириш, унинг иктисодиёт соҳасида оқилона фикр юритиш ққобилиятини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш билан, лўнда қилиб айтганда, аҳоли барча қатламларининг, кенг халқ оммасининг, иктисодий онги ва тафаккурини юксалтириш билан узвий боғлиқ.

Шариат мусурмон халқини сабрли, қаноатли бўлиш, бориға шуқур қилиш руҳида тарбиялашни мўлжал қилади ва ҳаммаға аёнки, у бу борада жуда катта амалий натижаларға эришди. Лекин, у инсоннинг ҳалол меҳнат қилиб, бой-бадавлат, тўқ-фаровон яшаш йўлидаги интилишлариға ҳеч қандай тўсиқ қўйган эмас. Аксинча, Яратганнинг ўзи муқаддас заминимизға нодир ва ноёб табиий ресурсларни сахийлик билан инъом этиб, бизнинг мўл-қўлчиликда бой-бадавлат ҳаёт кечиришимиз учун реал имкониятлар яратиб

берган. Лекин биз ушбу имкониятлардан унумли фойдалана олмаяпсиз, шунинг учун мул-кўлчиликда бой-бадавлат ҳаёт кечирish шарафига муяссар бўлмаяпмиз, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сабаби, жаҳон мамлакатларининг кўп йиллик илғор тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, халқнинг бой-бадавлат яшаши мамлакатда мавжуд имкониятлар билангина эмас, балки ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, уларни ҳаётнинг реал натижаларига айлантира олганлик даражаси билан белгиланади.

Ўзбекистон бир йўла 2 турдаги ресурсларга: табиий ва меҳнат ресурсларига, бой мамлакат. Ушбу ресурслардан унумли фойдаланиш орқали мамлакатда ўзининг ечимини сабрсизлик билан кутаётган кўпгина долзарб муаммоларни узил-кесил ҳал қилиш мумкин. Булар сирасига ишсизлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш, ходимларнинг иш ҳақи даромадларини ошириш, инфляциян жараёнларнинг олдини олиш, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, мавқеини мустаҳкамлаш ва бошқа бир қатор муҳим масалаларни киритиш мумкин. Ушбу долзарб муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши, биринчи галда, ушбу қимматбаҳо ресурслардан қай даражада унумли фойдаланаётганлигимизга боғлиқ.

Қимматбаҳо ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги муайян кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади: меҳнат унумдорлиги (ишчи кучи ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги), капитал қайтими (асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги), айланма маблағларнинг айланиш тезлиги (айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги), рентабеллик (корхона фаолиятининг самарадорлиги) ва бошқалар.

Жаҳон амалиётида аҳоли жон бошига ёки иктисодиётда банд бўлган ҳар бир ходимга тўғри келадиган ЯИМ ҳажми кўрсаткичи кенг қўлланилади. Ушбу кўрсаткичларни аниқлашда формуланинг суратида мамлакатда йил давомида яратилган товарлар ва хизматлар ҳажми, яъни ЯИМ – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг

якуний натижаси, унинг махражида эса, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун жамиятда мавжуд имкониятлар – аҳоли сони ва унинг таркибидаги иқтисодийликда банд бўлганлар сони, ўз ифодасини топган. Мамлакат ушбу имкониятлардан қай даражада унумли фойдаланса, унинг аҳолиси ҳам шунча мўл-кўлчиликда бой-бадавлат ҳаёт кечиради.

Интернетда иқтисодий самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларидан бири – унумдорлик хусусида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Унда келтирилган унумдорлик жадвалида 137 кўрсаткичи билан Ирландия пешқадамлик қилмоқда, АҚШ 114 кўрсаткичи билан 12-чи ўринни эгаллаган, кўрсаткичларидан жуда кескин фарқ қилмаслиги, табиий. Агар ушбу кўрсаткич қўлга олинган натижанинг (маҳсулот ҳажмининг) уни ишлаб чиқаришга йўналтирилган сарф-харажатларга нисбати билан ўлчанишини инобатга олсак, мамлакатимизда қимматбаҳо иқтисодий ресурслардан (меҳнат, меҳнат қуролилари, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, электр қуввати, газ, сув ва ҳоказолар) фойдаланиш қай даражада самарасиз эканлиги хусусида аниқ тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Халқимизда “Шайхда ҳунар бўлмаса, мачитнинг айвони ҳам торлик қилади”, деган ажойиб нақл бор.

Модомики, биз табиат ва жамият бизга саҳийлик билан инъом этган бебаҳо иқтисодий ресурслардан, яъни имкониятлардан, унумли фойдана олмас эканмиз, унинг ҳар бир бирлигига имкон қадар кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш муаммосини ҳал қила олмас эканмиз, бугунги кунда мўл-кўлчиликда бой-бадавлат яшаётганлигимизга ўзимиздан бошқа ким айбдор?

Ёки биз мўл-кўлчиликда бой-бадавлат ҳаёт кечиришни хоҳламаймизми? Албатта хоҳлаймиз. Фақат бунга эришишнинг аниқ, амалий натижа бериши муқаррар бўлган йўллари билмаймиз, холос. Бизнингча, бунинг халқаро тажрибада ўзининг тўла исботини топган, мантқан инкор этиш қийин бўлган йўли – иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурни юксалтириш, уларнинг чексиз, яширин имкониятларидан унумли фойдаланиб, ижтимоий-

иктисодий тараққийетни жадаллаштиришдан иборат. Шундагина, фақат шундагина, ноёб ва нодир иктисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ошади, миллий иктисодиётнинг жаҳон бозоридаги мавқеи мустақамланади, экспорт ҳажми кескин кўпаяди, иш ўринлари сони ортиб, аҳоли бандлиги таъминланади.

Иктисодий онг ва иктисодий тафаккурни замон талаблари даражасига кўтаришнинг долзарб муаммолари

Тадқиқотлар жараёнида Янги Ўзбекистонда иктисодий онг ва иктисодий тафаккурнинг чексиз имкониятларини рўёбга чиқариш, уларни ҳозирги замон талаблари даражаларига кўтариш асосида мамлакат иктисодий қудратини юксалтиришнинг етакчи омилига айлантиришга қаратилган чора-тадбирларни иккита йўналишда амалга ошириш катта амалий самара беради, деган хулосага келдик.

Биринчиси – жамият аъзоларининг иктисодий онг доирасини кенгайтириш, уни иктисодиёт соҳасидаги янги замонавий билимлар билан қуроллантириш, аҳоли кенг қатламлари орасида ижтимоий-иктисодий борлиқни ўзида тўла акс эттиришга қодир мукамал иктисодий онгни шакллантириш, кенг халқ оммасини, аҳоли барча қатламларини давр талаблари руҳида тарбиялаш, уларнинг онгини янги, бозор иктисодиётига хос, замонавий иктисодий билимлар билан бойитиш. Ушбу тадбирлар аҳоли барча қатламларини: ишчи-ходимлар, ишсизлар, балоғат ёшига етмаган ёшлар, нафақахўрлар, ногиронлар, хулласи калом, аҳолининг барча-барчасини қамраб олиши керак, деб ўйлаймиз.

Мамлакат аҳолиси барча қатламларининг иктисодий саводхонлигини ошириш кенг қамровли тадбир бўлиб, у катта миқдордаги молиявий ресурсларни жалб қилишни тақозо этади. Бу жиҳатдан ушбу тадбир жамиятга жуда қимматга тушади. Молиявий ресурслар танқислиги шароитида катта миқдордаги молиявий ресурсларни аҳоли барча қатламларининг иктисодий саводхонлигини ошириш орқали унинг иктисодий онгини янги замонавий билимлар билан қуроллантиришга сарфлаш иктисодий

самарадорлик нуктаи назаридан оқилонами, деган табиий савол тугилади? Албатта, оқилона. Бу қатъий ва ягона тўғри жавоб. Чунки аҳоли иқтисодий онгини янги замонавий билимлар билан қуроллантиришга сарфланган молиявий ресурслар мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга мультипликатив таъсир кўрсатади ва натижада мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришнинг ишончли омилига айланади.

Муаммонинг ечими сифатида аҳоли кенг қатламлари иқтисодий саводхонлигини оширишни молиялаштириш сарф-харажатларини тежаш механизмлари ишлаб чиқилиши лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, сарф-харажатларни молиялаштиришга мамлакат жами аҳолисининг миллий иқтисодиётни юксалтиришдаги ролига қараб муайян гуруҳларга табақалаштириш тамойили асосида ёндашиш.


Биринчи гуруҳга аҳолининг мамлакат ЯИМнинг шаклланишида бевосита иштирок этмайдиган кишилар, яъни иқтисодиётда банд бўлмаганларни киритиш мақсадга мувофиқ. Жамият аъзоларининг муайян қисми (ёш болалар, ишсизлар, ногиронлар ва бошқалар) мамлакатда ЯИМни яратишга, иқтисодий сиёсатни шакллантиришга ва уни бевосита амалга оширишга алоқадор эмас. Аҳолининг ушбу тоифага мансуб қисми иқтисодий тараққиётга бевосита таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлмасада, лекин у иқтисодий тараққиёт суръатларига билвосита таъсир кўрсатади. Ушбу тоифага мансуб аҳолининг иқтисодий саводхонлигини оширишни молиялаштириш сарф-харажатларини минималлаштириш сиёсатини тутиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи гуруҳга миллий иқтисодиётда банд бўлганларни киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тоифага мансуб аҳоли иқтисодиётда банд бўлиб, ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этади. Демак, мазкур гуруҳга тобе кишилар иқтисодий фаолият юритадилар, истеъмол қийматига эга янги ноз-неъматлар яратадилар. Ишлаб чиқариш жараёнида улар қимматбаҳо иқтисодий ресурслардан, асбоб-ускана ва жиҳозлардан, бино ва иншоотлардан, газ, электр қуввати ва сув

ресурсларидан фойдаланадилар. Ушбу қимматбаҳо ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймаслик, ҳар бир ресурс бирлигига кўпроқ бойлик яратиш кўп жиҳатдан уларга, уларнинг қимматбаҳо ресурсларга бўлган муносабатига, демак, иқтисодий билимдонлигига, иқтисодий тафаккурига, қимматбаҳо ва нодир ресурслардан унумли фойдалана олиш қобилиятига боғлиқ. Ушбу тоифага мансуб аҳолининг иқтисодий саводхонлигини оширишни молиялаштириш сарф-харажатларини меъёрида, оқилона даражада амалга ошириш сиёсати яхши самара беради.

Учинчи гуруҳга мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта касбий ва олий таълим муассасаларида, докторантурада таҳсил олаётган ёшларни киритиш лозим. Аҳолининг ушбу тоифадаги қисми иқтисодий онгини замонавий билимлар билан қуроллантириш, тафаккур қилиш қобилиятини ривожлантириш асосида давр талаби даражасига кўтаришнинг изчил чоралари кўрилиши лозим. Уларнинг иқтисодий онгини шакллантириш, янги замонавий билимлар билан қуроллантириш жараёнида асосий эътиборни таълимнинг келажакда уларнинг когнитив иқтисодий тафаккурини кучайтириш имконини берувчи, ижодий фикрлаш қобилияти устун ривожланган, ҳар қандай муаммоли иқтисодий вазиятдан чиқиб кетишга, миллий иқтисодиётни самарали бошқаришга қодир забардаст иқтисодчи, истеъдодли менеджер бўлиб шаклланишига яроқли усул ва услубиятларни қўллаш зарур. Бундай усуллар сирасига диалектика, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, илмий мавҳумлаштириш, қиёслаш ва математик моделлаштириш, тизимлаштириш каби усулларни киритиш мумкин. Ушбу тоифага мансуб ёшларнинг иқтисодий саводхонлигини оширишни молиялаштириш сарф-харажатларини максималлаштириш сиёсатини қўллашнинг истиқболи катта.

Ижтимоий ишлаб чиқариш мамлакат аҳолисининг ҳаёт фаровонлигини юксалтиришни, неъматлар мўл-кўлчилигини таъминлашни, ялпи товар ва ялпи олади, уни бош мақсад қилиб белгилайди.



хизматларни яратади. Агар иқтисодий тараққиётнинг шу олтин қондасини инобатга оладиган бўлсак, унга изчил риюя қилиш шартлигини тушуниб етадиган бўлсак, ўзимизнинг бебурдлигимиз, иқтисодий саводхонлигимизнинг етишмаслиги, билимсизлигимиз оқибатида юзага келаётган бундай йўқотишларни қанчалик тез бартараф этсак, ҳаётимиз ҳам шунча фаровон бўлиши мумкинлиги шубҳасиз. Ижтимоий ишлаб чиқаришдан бош мақсад ноз-неъматларни шунчаки ишлаб чиқариш эмас, балки пировард натижада, уларни истеъмол қилиш, фаровонликка эришишдан иборат. Бу инкор этиб бўлмайдиган аксиома.

Иккинчиси – мамлакатда, хусусан, ёшларимизда, иқтисодий тафаккур юритиш қобилиятини ривожлантириш, аҳолида когнитив тафаккур кўникмаларини шакллантириш, энг муҳими, уни ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи омилига айлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш.

Айниқса мамлакатнинг иқтисодий пойдеворини шакллантиришда иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш ва сифатини яхшилаш орқали бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлган мутассади шахслар когнитив иқтисодий тафаккурини юксалтиришга жиддий эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу тоифага давлат органлари ходимларини, раҳбарларни, тадбиркорларни, профессор-ўқитувчиларни, тадқиқотчиларни, иқтисодчиларни, ОАВ ходимларини киритиш мумкин. Ушбу тоифага мансуб шахсларнинг тафаккури, иқтисодий фикрлаш қобилияти, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Улар иқтисодий реалликни акс эттиручи маълумотларни тўплашда, қайта ишлашда, умумлаштиришда, таҳлил қилишда, турли омилларнинг таъсирини аниқлашда, уларга таяниб назарий ва амалий хулосалар чиқаришда, иқтисодий тараққиёт натижаларини халқ орасида тарғибот қилишда, бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг моҳияти ва сабабларини очиб беришда, энг муҳими, соҳа мутахассиси сифатида, уларни бартараф этишда,

келажакда иқтисодий тараққиёт йўналишларини белгилаб беришда ва уларнинг ижроси бўйича тегишли қарорлар қабул қилишда ва ниҳоят, ижро натижаларининг назоратини амалга оширишда, бевосита иштирок этадилар.

Бошқача сўзлар билан ифодалаганда, ушбу тоифага мансуб аҳоли қатламлари, бир томондан, миллий иқтисодийётнинг ҳолати, унинг глобаллашган жаҳон ҳўжалигидаги мавқеи, иқтисодий ўсиш суръатлари ва сифати учун масъулдирлар. Иккинччи томондан эса, улар вазият тақозо этганда, мамлактнинг ижтимоий-иқтисодий юксалиш суръатларига бевосита таъсир кўрсатиш, аниқроғи, уни янада жадаллаштириш имкониятига эгадирлар. Шу сабабли, макро ва микро даражада йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун уларнинг моддий ва маънавий жавобгарлигини ошириш, айти пайтда, уларни тараққиётнинг юксак даражаларига эришишдаги хизматларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали механизмларини яратиш лозим.

Истеъмол маданияти ва иқтисодий тежамкорлик мўл-қўлчиликда бой-бадавлат яшашнинг омили сифатида

Жамиятда инсон иқтисодий фаолияти, яъни меҳнати эвазига ишлаб чиқарилган барча моддий ва маънавий ноз-неъматлар, пировард натижада, инсон истеъмолини таъминлаб беришни, унинг эҳтиёжларини қондиришни мўлжалга олади. Инсон ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш илинжида тинимсиз меҳнат қилади, иқтисодий фаолият юритади. Инсон зотининг барчаси, ҳаттоки она бўйидаги ҳали ёруғ дунёга келмаган мурғак гўдақдан тортиб, то ёруғ дунёни тарк этган майитнинг дафн маросими билан боғлиқ муайян моддий ёки номоддий ноз-неъматларнинг истеъмолчисидир.

Афсуски, иқтисодийёт илми узок йиллар давомида ишлаб чиқариш жараёнининг моҳияти, уни кенгайтиришнинг омиллари, унга эришиш йўлларини тадқиқ этишга асосий эътиборини қаратди. Айтиан ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришни иқтисодий тараққиётнинг асосий, бош омили

сифатида қаради. Натижада жамиятда истеъмол назариясининг ортда қолиши, суи ривожланиши ҳолати рўй берди, ушбу йўналишда фанда бўшлиқ пайдо бўлди, бу борада арзигулик, аксарият кўпчилик эътироф этган кучли, инновацион илмий ғоялар яратилмади.

Бизнинг назаримизда, иқтисодий тараққиёт, бой-бадавлат фаровон ҳаёт кечириш тарзини шакллантириш фақат ноз-неъматларни ишлаб чиқариш ҳажми билан эмас, балки улардан тўғри фойдаланиш, яъни юқори истеъмол маданиятига эришиш билан ҳам узвий боғлиқ.

Истеъмол маданиятининг пастиги оқибатида мамлакатда нодир ва бебаҳо иқтисодий ресурслардан фойдаланишда, улардан тайёрланган тайёр маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилишда катта исрофгарчиликларга йўл қўйилмоқда, тежамкорлик тамойиллари қўпол тарзда бузилмоқда. Айниқса, деҳқонларнинг машаққатли меҳнати эвазига яратилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб-териб олиш, уларни транспортировка қилиш, саклаш, эл дастурхонига етказиб бериш жараёнларида иқтисодий саводхонлигининг давр талаблари даражасида эмаслиги, иқтисодий интуициянинг етишмаслиги оқибатида ишлаб чиқарилган ноз-неъматларнинг талайгина қисми нес-нобуд бўлмоқда, ҳавога совурилган бойлик каби зое кетмоқда.

Инсоният ҳаётида истеъмол – бош мақсад, ишлаб чиқариш эса унга эришиш воситаси. Юксак иқтисодий онг ва тафаккур воситасида истеъмол жараёнида тежалган ноз-неъмат, ўз моҳиятига кўра, ишлаб чиқариш жараниёда яратилган қўшимча маҳсулот ҳажмини англатади. Халқимизда узок йиллик амалий тажрибадан келиб чиққан “дунё топгунча, ҳисоб топ”, деган пурмазмун нақл бор. Биз илмий жиҳатдан асослаб бермоқчи бўлаётган ғояни ижодкор халқ ўзининг тилида қисқагина, лўнда, таъсирчан қилиб ифодалаган.

Кўп асрлар муқаддам Авестода “Енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар”, деган ибратга лойиқ битиклар битилган. Демак, халқимиз азал-азалдан, қадим замонлардан истеъмол

жараёнида йўл қўйиладиган исрофгарчиликларга нисбатан бефарк бўлмаган, уни қаттиқ қоралаган. Исрофгарчилик хусусидаги фикримизнинг оддий формуласи қуйидагича: ишлаб чиқариб, нес-нобуд қилгандан кўра, ишлаб чиқармай қўя-қолган афзал. Чунки истеъмол учун ишлаб чиқарилган ноз-неъматнинг истеъмол жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликлар оқибатида нес-нобуд бўлиши жамиятга жуда қимматга тушади. Биринчидан, нафлилик келтирмай нес-нобуд бўлган ноз-неъматни ишлаб чиқаришга сарфланган иқтисодий ресурслар, жумладан, меҳнат ресурслари, зое кетади. Иккинчидан, истеъмол манбаига айланмай қолган ноз-неъматлар теварак-атрофга, экологик муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий тежамкорлик ҳақида қадимдан қолган ибратга лойиқ ривоят

Истеъмол жараёнидаги исрофгарчиликлар хусусида гап кетганда, муаллифлардан бирининг болалик паллаларида падари бузрукворларидан (илоҳо Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) эшитган ва хотирасида ўчмас из қолдирган бир ривоятни мисол келтириш жоиз. Ривоятга кўра, бир азим шаҳар аҳли бор имкониятларин ишга солиб, катта мачит қуришга аҳд қилишибти. Шаҳар оқсоқоллари ўзаро кенгашиб, қўшни шаҳарда яшайдиган, савоб ишларга мойиллиги катта бадавлат савдогардан ёрдам сўраш керак, деган қарорга келишибти. Шаҳарнинг 4 нафар хурматли оқсоқоллари отланиб, ўша қўшни шаҳардаги бадавлат кишининг уйига ташриф буюришибти. Савдогар уларни очик чехра билан, катта хурмат ва мулозамат билан қабул қилиб, хизматкорларига дарҳол дастурхонёзиб, меҳмонларни зиёкат қилишга буюрибти. Бойнинг самимий муносабати меҳмонларни хурсанд қилибти, “Худо хоҳласа ишимиз битади”, деган хаёл уларни чулғаб олибти. Шунда хизматкорлардан бири печни ёқиб, меҳмонхонани иситишга тутунибти. Биринчи ёқилган гўгурт донаси билан печни ёқолмабти, иккинчи гўгурт донаси ҳам зое кетибти ва ниҳоят, учинчи уринишда печ ёқилибти. Савдогар хизматкорини жуда

каттик койибти. Унинг койишидан хаттоки меҳмонлар ҳам изза тортиб, нокулай аҳволга тушибти.”Э, бу бой жуда очкўз одам экан, бекорга шунча йўл босиб, ундан ёрдам сўраб келган эканмиз. У бекорга бунча бойиб кетмаган экан. Сув ҳам каттик жойда туради. Унга илтимосимизни айтиб кўя-қолмаганимиз маъқул.” Шу вазлар билан меҳмонлар бойга ташвиш тортиб шунча йўлга келганликларининг асл сабабини айтиб ҳам ўтирмасликка қарор қилишибти.

Зиёфат тугаб, дастурхонга омин қилинган, меҳмонлар бойдан қайтишга ижозат сўрабтилар. Лекин зиёфат чоғида ҳам, хайрлашаётган пайтда ҳам улар бойга шунча йўл босиб келганларининг асл сабаби, ўзларининг мақсадлари хусусида ақалли лом-мим ҳам дейишмапти. Бундан таажубга тушган бой уларга савол билан мурожаат қилипти: “Шунча йўлни босиб, менинг шахримга ташриф бубрдинглар, уйимда меҳмон бўлдинглар, лекин нима мақсадда келганларингни менга айтмадинглар. Бунинг боиси нима? Мен шуни билишни хоҳлайман”. Шундан сўнг меҳмонлар тортина-тортина бойга боргани гапириб берибтилар, хизматкор билан бўлиб ўтган можародан сўнг, ўзларининг илтимосларини унга айтиб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ, деган хулосага келганликларини тушунтирибтилар. Бой воқеадан воқиф бўлган, хизматкорига ҳазинадан 40 ҳамён тиллани олиб келиб, меҳмонларга топширишни, устига устак уларга яна қимматбаҳо сар-пойлар ҳам ҳадя қилишни буюрибти. Ҳайратдан меҳмонлар каттик саросимага тушибти. Катта мамнуният билан олтинни қабул қилиб олган, улардан бири бойга қарата савол берибти: “Тақсир, бир нарса бизларни ҳайратда қолдирди, очиги, бизни жуда каттик таажубга солди. Сиз 2 дона гўгурт учун хизматкорингизни шудай каттик койидингиз. Хатто биз ҳам изолат чекдик. 2 дона гўгурт чўки учун хизматкорини каттик койиган одам бизга шунча пулни ҳеч қачон бермайди, деган хаёлга бордик. Лекин биз адашган эканмиз. 2 дона гўгурт донаси сиз бизга сахийлик билан ҳадя этган олтинларнинг олдида денгиздан томчи. Иложи бўлса, бўлиб ўтган

воқеанинг сабабини бизга тушунтирсангиз”. Бой мийиғида кулиб, шундай жавоб қайтарибти: “Азиз меҳмонлар, дея хитоб қилибти, бой, – менинг 40 та хужрам бор, агар ҳар бир хужрада олов ёкиш учун 2 дона гўгурт чўки исроф бўлса, бир кунда 80 дона, бир ойда ... дона, бир йилда ... дона гўгурт зое кетади. Боз устига, хизматкорларим дарахтларни суғорганда, уй рўзгор юмушларини бажарганда, сувни меъеридан 2-3 марта зиёд исроф қилса, улар овқат пиширганда масалликларнинг, чўпонларим мол боққанда озуқаларнинг исрофига йўл қўйса, менинг қанча олтинларим ҳавога учиб кетади? Бундай исрофгарчиликларга менинг хазинам бардош беролмайди. Сизларга ҳақ йўлига савоб учун ҳадя қилган олтинларим бундай исрофгарчиликлар олдида ҳеч нарса бўлмай қолади. Исрофгарчилик оқибатида ҳавога учиб кетган олтинларим ҳеч кимга наф келтирмай, зое кетади, сизларга ҳақ йўлида ҳадя қилган олтинларим эса, аҳлу-жамоа манфаатлари йўлида савоб ишларга хизмат қилади. Мен хизматкоримни очкўзлигимдан эмас, балки исрофгарчилик менинг ашаддий душманим бўлганлиги учун ҳам қаттиқ койидим. Модомики, исрофгарчилик – менинг ашаддий душманим экан, у менинг қўлимда ишлайдиган барча хизматкорларимнинг ҳам ашаддий душманига айланмоғи керак. Улар эса исрофгарчиликка нисбатан дўстона ҳамкорлик муносабатларида”. Гўгурт билан бўлган можаро аслида бойнинг очкўзлигининг эмас, аксинча, олийжаноблиги ва юксак истемол маданиятининг соҳиби эканлигининг исботи эди.

Меҳмонлар бойнинг гапларини мароқ билан тинглашибти, унинг ақлу-заковатига, донолигига тан бериб, офаринлар айтишибти, унинг бунчалик давлатманд бўлиб кетганлигининг чуқур сабаблари нимада эканлигигига тушуниб етгандай бўлишибти. “Ҳа, бу киши бежиз бунчалик бадавлат бўлиб кетмаган экан”, деган ҳаёл уларни чулғаб олибти. Бойга таҳсинлар айтиб, ўз шаҳарлари томон йўл олишибти.

Фантазиямизга озгина эрк бериб, ривоятни охирига етказмоқчимиз. Бой ҳадя қилган олтинлар эвазига мачит қуриш ғояси ўз яқинини топибти. Мачит қанчадан-қанча кишиларнинг

манфаат ва эҳтиёжлари йўлида узоқ йиллар хизмат қилиб, уларнинг диний дунёқарашини ривожлантиришда, эътиқодини кучайтиришда ва бошқа жамият муаомоларини ҳал этишнинг бебаҳо хазинасига айланибти.

Бутун умрини иқтисодиёт назариясининг мураккаб муаммоларини тадқиқ этишга бахшида қилган, режали иқтисодиёт шароитида ҳам, ҳозирги замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ҳам фаннинг энг долзарб муаммоларини кўтариб чиқишга журъат этган, номзодлик ва докторлик диссертацияларини собиқ СССР нинг марказий шаҳарларида муваффақиятли ҳимоя қилган иқтисодчи учун ривоятда ўз аксини топган иқтисодий тежамкорлик муаммоси жуда катта назария эмас эди. Лекин, ўз вақтида, болалик чоғларида, ҳали мураккаб иқтисодий жараёнлар хусусида ҳаттоки оддий тасаввурга ҳам эга бўлмаган паллаларида катта кизиқиш билан эшитган ушбу ривоят муаллифнинг хотирасида ўчмас из қолдирди. Ривоятнинг таъсири шунча кучли бўлдики, иқтисодчи уни жамоа орасида, ўқувчи-талабалар орасида иқтисодий тежамкорликнинг ибратли намунаси сифатида мисол келтирди. Келажакда муаллифнинг иқтисодчилик касбини танлашида, забардаст иқтисодчи олим сифатида шаклланишида, иқтисодий самарадорлик ва иқтисодий тежамкорлик мавзуларида кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб боришга қатъий бел боғлаганлигига ушбу ривоятнинг таъсири катта бўлган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Масаланинг бошқа бир муҳим жиҳатига эътиборларингизни қаратмоқчимиз. Бу ҳам бўлса, иқтисодий дунёқарашини энди шаклланиб бошлаган ёшларни, ўсмирларни иқтисодий самарадорлик ва иқтисодий тежамкорлик маданияти руҳида тарбиялаш, вояга еташиш, уларнинг онгига кучли таъсир кўрсатиш, уни замонавий иқтисодий билимлар билан қуролантириш. Бундай ёшларнинг иқтисодий дунёқарашини вақт ўтган сайин кенгайтириб, чуқурлаштириб боради, пайти келиб, улар вояга етганда, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг фаол иштирокчиларига айланганда, жамиятга ўзининг мультипликатив самарасини беради. Фақат

катта ақл билан узоқни кўра билган, ўз фарзанди, ўз юрти келажаги тўғрисида астойдил қайғурадиган кишиларгина бундай имкониятни қўлдан бермайдилар, ёшларни болалик чоғларидан иқтисодий дунёқарашини шакллантириб борадилар.

Қундалик ҳаётимиз учун сувдек зарур бўлган, инсоннинг машаққатли меҳнати эвазига яратилган ноз-неъматларни истеъмол қилишда йўл қўйилаётган исрофгарчиликлар, айниқса, ҳашаматли ресторанларда озиқ-овқат ресурларидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги натижасида юзага келаётган йўқотишлар, ишлаб чиқаришда (ишлаб чиқариш истеъмоли) ва хонадонларда (шахсий истеъмол) газ, электр қуввати, сув каби бебаҳо ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги каби муаммоларни бартараф этишда истеъмолчининг, унинг иқтисодий дунёқарашининг, роли жуда катта. Мана шу тарзда, мамлакатимизда бугунги кунда истеъмол маданиятининг давр талабларига жавоб бермаслиги ва бу иллатнинг асосий сабабчиси халқимизда иқтисодий фикрлаш доирасининг торлиги, заифлиги, иқтисодий саводхонлик даражасининг пастлиги, иқтисодий билимларнинг етишмаслиги эканлигини яна бир қарра таъкидламоқчимиз.

Юқорида қайд этилган муаммони ечишнинг асосий йўли – аҳоли барча қатламлари орасида истеъмол маданиятини ривожлантиришдан иборат, деб ҳисоблаймиз.

Тобора глобаллашиб, яхлитланиб бораётган жаҳон хўжалиги шароитида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, унинг халқаро меҳнат тақсимотидаги мавқеи, биринчи галда, мамлакат аҳолиси иқтисодий онги ва тафаккурининг ривожланганлик даражаси, улардан қоғозда эмас, амалда олинадиган натижаларнинг самараси билан белгиланади.

Иқтисодий тараққиёт суръатларини жадаллаштиришда давлат ва кенг халқ оммаси ўзаро ҳамкорлиги

Ўзбекистонда иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш асосида аҳоли турмуш фаровонлигини тубдан яхшиланишини

мўлжалга олган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар доирасида давлат томонидан пухта ўйланган, истикболли макроиқтисодий сиёсат, изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бизнингча, мамлакат иқтисодий тараққиётида жаҳон хўжалигида пешқадамликка эришиш учун ушбу омилнинг ўзи етарли эмас. Давлатнинг юртда жорий этаётган макроиқтисодий сиёсати қанчалик даражада кучли бўлмасин, у қай даражада бенуксон, самарали бўлмасин, унинг бераётган амалий натижалари кутилаётган даражаларда эмаслигига таажжубланмаслик керак.

Иқтисодий тараққиёт адолат тарозисининг бир палласида ҳамиша давлатнинг макроиқтисодий сиёсати, иккинчи палласида эса, халқнинг иқтисодий онги ва иқтисодий тафаккури ётади. Халқнинг юксак иқтисодий онги ва иқтисодий тафаккурига таянмаган давлатнинг ҳар қандай мукамал макроиқтисодий сиёсати, пировард натижада, мамлакатда иқтисодий тараққиёт мўжизаси содир бўлишини таъминлай олмайди. Тарозининг иккинчи палласига етарли эътибор бермаган давлат аскарларисиз жанг майдонига чиққан қўмондон сингари, кучсиз ва заиф бўлади. Давлатнинг кучли макроиқтисодий сиёсати кенг халқ оммасининг мукамал иқтисодий онги ва когнитив иқтисодий тафаккури билан тўлдирилган тақдирдагина, ўзаро ҳамкорлик кўламининг синергетик самараси ҳосил бўлиб, чинакам иқтисодий тараққиёт мўжизаси содир бўлади.

Мамлакатда кенг халқ оммасининг, аҳоли барча қатламларининг иқтисодий онгини замон талаблари даражасига кўтаришнинг муҳимлигини, зарурлигини оддий мисолларда изоҳлаб беришга уриниб кўрмоқчимиз.

Иқтисодий онги мукамал, онги яхши ривожланган шахс, ўзининг кундалик ҳаётида иқтисодга оид муаммоларни ҳал этишда тежамкорлик нуқтаи назаридан ёндашади. Бу жамият иқтисодий тараққиёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Масалан, иқтисодий қонунлардан озгина хабари бор, иқтисодий онги юқори инсон ҳеч қачон хайфга оқиб ётган қран суви, ёки, айтайлик, беҳуда ёниб турган электр лампочкасидан келаётган зарарга, айрим

шахсларнинг фаросатсизлиги туфайли оёқ остида учрайдиган нон бўлакларига, катта машаққатлар билан тозаланган шинам кўча ва йўлакларнинг ахлат тўкиб, ифлосланишига, ҳеч қачон бефарк бўлмайди. У ўзининг кундалик иш фаолиятида ҳам иқтисодиётнинг олтин қондаларига қатъий риоя қилади, иш жойида самарадорликка эришади. “Тома-тома кўл бўлур”, дейди доно халқимиз. Худди шундай, тома-тома кўл бўлган сув тома-тома йўқ бўлиши ҳам муқаррар. Иқтисодий онгнинг заифлиги оқибатида мамлакатимизда исроф бўлаётган, тегишли натижа бермай, зое кетаётган иқтисодий имкониятларни сарҳисоб қилиб, умумий махражга келтирсак, иқтисодий билимдонлик самараларидан қудратли тўлқин пайдо бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ушбу қудратли тўлқин давлатнинг пухта ўйланган макроиқтисодий сиёсати билан ўзаро уйғунлашиб, бир йўналиш томон ҳаракат қилса, халқимиз орзу қилган иқтисодий тараққиёт мўъжизаси содир бўлади.

Биз эътиборингизни қаратмоқчи бўлган муаммонинг долзарблиги шундаки, токи аҳоли кенг қатламларида, ёшидан, жинсидан, касбидан қатъий назар, ишчи-ходимлар, ишсизлар, балоғат ёшига етмаган ёшлар, нафақахўрлар, ногиронлар, хулласи калом, аҳолининг барча-барча қатламларида иқтисодий онгни давр талаблари даражасига кўтармас эканмиз, уни тежамкорлик тамойилларига қатъий риоя қилган ҳолда, шакллантирмас эканмиз, токи биз ҳар бир кишини нодир ва ноёб иқтисодий ресурслардан унумли ва ўринли фойдаланиш гоёларини қонқонига сингдирмас эканмиз, иқтисодий тараққиётда ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олиш, Ўзбекистонни дунёнинг иқтисодий жиҳатдан қудратли мамлакатларидан бирига айлантириш борасидаги эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқмаган орзуга, хом хаёлга айланиб қолаверади.

Шу сабабли, мамлакатда аҳоли барча қатламлари иқтисодий саводхонлигини ошириш, унинг иқтисодий онги ҳамда когнитив иқтисодий тафаккур юритиш қобилиятини замон талаблари

даражаларига кўтариш давлат макроиктисодий сиёсатининг марказий бўғинларидан бирига айланмоғи лозим

Иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурни ривожлантиришда таълимнинг роли

Инсоннинг иқтисодий онги жуда кўп омиларнинг кучли таъсири остида шаклланади. Булар таркибига ташқи иқтисодий муҳит, жамиятда ва инсоннинг шахсий ҳаётида юзага келган иқтисодий вазият, иқтисодиётда содир бўлаётган ва содир бўлиши кутилаётган кескин ўзгаришлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Замонавий ахборотлашган маконда иқтисодий онгни шаклантиришда ва уни ривожлантиришда таълимнинг роли бекиёс. Айнан таълим иқтисодий онгни шаклантиришнинг, демак, фаровон ҳаётга эришишнинг, бебаҳо омилidir. Ушбу ҳақиқатни инкор этиш, кундалик амалиётда унга риоя қилмаслик, иқтисодий саводхонликни оширишга етарли даражада эътибор бермаслик, ўз-ўзимизни колоқликка, ночор ҳаётга, иқтисодий тараққиёт карвонининг охириги бўғинларида судралиб юрувчи мамлакатга айлантиришга маҳкум этиш билан баробар. Иқтисодий муаммоларни ҳал этишда иштирок этаётган шахснинг таълим даражаси, билими, иқтисодий саводхонлиги қанча юқори бўлса, унинг мамлакат иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ҳам шунчалик салмоқли бўлади.

Аммо бугунги кунда мамлакатда аҳоли иқтисодий онгини замон талаблари даражасига кўтариш муаммоларини бартараф этишга етарли эътибор берилмаяти, уларни ечишда хато ва камчиликларга йўл қўйилапти. Мазкур йўналишда таълим соҳасида ёшларимизнинг иқтисодий онгини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган айрим нохуш ҳолатларга эътиборларингизни қаратмоқчимиз.

Кейинги йилларда инглиз тилини мукамал билиш магистратурага киришнинг асосий шarti қилиб белгиланди: магистратурага киришга даъвогарлик қилган ёшлар инглиз тилини мукамал билиши, яъни махсус IELTS ёки шунга

тенглаштирилган сертификатга эга бўлиши шарт. Ушбу тадбир таълим соҳасининг ривожланишига, унинг сифатининг ошишига, ёшларимиз тафаккурининг кучайишига позитив таъсир кўрсатдими? Ушбу саволга чуқур фикр-мулоҳазаларсиз ижобий жавоб бериш жуда қийин.

Мазкур муаммони муайян мисол ёрдамида ёритиш масалага ёруғлик киритиш имконини беради. Фараз килайлик, муайян олий ўқув юртида, жорий ўқув йилида 155 нафар магистрантларни ўқишга қабул қилиш режалаштирилган эди, лекин амалда 40 нафар ёш йигит-қизлар ўқишга қабул қилинди, холос. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаби – талабгорларда инглиз тилидан мукамал билими борлигини тасдиқловчи махсус ҳужжатнинг талаб қилинаётганлиги. Бу – модомики инглиз тилини билмайсанми, сен иқтисодчи бўлишга лойиқ эмассан, дегани эиасми? Аслида ҳам шундайми? Ўйлаймизки, кучли иқтисодчи бўлиш учун инглиз тилини мукамал билиш шарт эмас. Замоनावий технологиялар, қолаверса, инглиз тилини мукамал биладиган соҳа мутахассислари кучли иқтисодчининг инглиз тилига оид ташқи алоқа ва касбий мулоқотларини самарали даражаларда амалга оширишнинг тўла имконини яратиб беради. Айни пайтда, касбий тайёргарлиги эътиборга олинмай, фақат инглиз тилини мукамал билганлиги учунгина иқтисод бўйича магистратурага қабул қилинган талабгорнинг келажакда кучли, истеъдодли иқтисодчи бўлиб шаклланиши мумкинлигига кафолат бериш жуда қийин. Лекин, айнан шу важ билан бўлажак, потенциали юкори, иқтидорли номзод ўрнатилган тартибдаги танловдан ўтмай қолиб кетган бўлиши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Жамият нуқтаи назаридан, бўлажак олий маълумотли кучли мутахассиснинг танловдан четда қолиб кетиши, биринчидан, адолатсизлик, иккинчи томондан эса, иқтисодёт учун катта йўқотиш. Агар бордию, бўлажак олий маълумотли иқтисодчининг инглиз тилини мукамал билим соҳиби бўлишини жуда истасак, инглиз тилини билишини уни магистратурага киришининг эмас, балки битиришининг, яъни диплом олишининг асосий шарти

қилиб белгилаш ҳам мумкин. Унда талабгорнинг магистратурада ўқиши унинг инглиз тилини ўрганиши билан бирга, параллел тарзда кечади.

Қўлланган тадбирнинг натижасини жамият нуқтаи назаридан қай даражада оқилона эканлигига объектив, адолат юзасидан баҳо беришга бир уриниб кўрайлик. Биринчидан, 105 нафар талаба инглиз тилидан мукамал билими йўқлиги ёки етарли даражада бўлмаганлиги учун магистратурада ўқиш имкониятидан маҳрум этилди. Иккинчидан, институтда 115 та ўқув ўринлари бўш қолиб, уларнинг эвазига жамоа олиши мумкин бўлган катта миқдордаги соф тушумлардан ажралди. Агар институт ўз-ўзини молиялаштиришга ўтганлигини инобатга олсак, ушбу тадбирнинг институт иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан қанчалик зарарли эканлигига, унинг молиявий аҳволига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Учунчидан, 115 нафар ёш йигит қизларимиз мамлакат тараққиёти учун ўта фойдали иш билан банд бўлиш ва жамиятга айнан иқтисодий онги баланд олий маълумотли мутахассис сифатида наф келтириш имкониятидан маҳрум этилди. Ҳаттоки улар меҳнат бозорига чиқиб, бирон бошқа ишга жойлашган тақдирда ҳам, муаммо ўзининг оқилона ечимини тополмайди. Тўртинчидан, узоқни ўйламай, шошма-шошарлик билан амалга оширилган тадбир мамлакатимизда магистратура босқичида ўқитиш орқали ёшларимизнинг танланган мутахассислик бўйича малакасини ва саводхонлигини оширишга қаратилган оқилона сиёсатга катта салбий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиёт соҳаси бўйича магистратурани битирган ёшлар учун инглиз тилининг катта аҳамияти борлигини инкор этмаган ҳолда, биринчи галда, ушбу йўналиш бўйича магистратурага номзод танлашда уларнинг иқтисодий саводхонлиги, тафаккур қилиш қобилияти бош мезон бўлиши кераклигини таъкидламоқчимиз.

Иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг чексиз имкониятлари

Иқтисодий онг иқтисодий тараққиётнинг пойдевори бўлса, иқтисодий тафаккур инсон иқтисодий онгини янги билим, янги гоя, янги назариялар билан бойитишнинг, демак, иқтисодий онгни янги поғоналарга кўтаришнинг, асосий омили. Агар иқтисодий онг барча инсонларга хос хислат бўлиб, кишилар фақат унинг ривожланганлик даражаси билан ўзаро бир-бирдан фарқланса, иқтисодий тафаккур, бундан фарқли ўлароқ, фақат айрим истеъдодли кишиларгагина Яратган насиб этган ноёб ва нодир фазилатдир.

Илмий адабиётларда тафаккурнинг бир неча турлари ва шакллари мавжудлиги эътироф этилган: ҳуқуқий тафаккур, диний тафаккур, ижтимоий тафаккур ва бошқалар. Биз уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тафсилотларига берилиб ўтирмасдан, инсоннинг яшаши ва ҳаёт кечириши учун ўта зарур, биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган, иқтисодий тафаккурга асосий эътиборимизни қаратмоқчимиз.

Иқтисодий тафаккурни иқтисодий юксалишнинг бош омилига айлантиришнинг оддий формуласи қуйидагидан иборат: тўқ-фаровон ҳаёт кечириш мақсадида ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш учун, бошқачароқ, бугунгидан яхшироқ ишлашимиз керак. Бунинг учун эса олдингидан бошқача фикрлашимиз, янгича ўйлашимиз, иқтисодий жараёнларнинг туб моҳиятини тўла идрок этишимиз, инновацияларни кенг жорий этишимиз, иқтисодий онгимизни янада юқориоқ даражаларга кўтармоғимиз лозим.

Кишилиқ жамияти иқтисодий ҳаёти кўхна тарихига диққат билан назар ташлар эканмиз, у қанчалик мураккаб ва, айти пайтда, қай даражада прогрессив тараққиёт йўлини босиб ўтганлигига амин бўламиз. Инсон жамият тараққиётининг дастлабки босқичларида унга табиат фақат тайёр ҳолда берган, текин инъом этган ноз-неъматлар ҳисобидан яшаб, ҳаёт кечирди: ёввойи

хайвонларни овлаш, ёввойи мева ва ўсимликларни териш, гор ва тепаликларда бошпана топиш... Лекин фақат инсонгагина хос иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккур уни йўқчилик ва иқтисодий қийинчиликлар чангалидан қутқариб, осойишта ҳаёт, мўл-кўлчилик ва фаровонлик сари етаклади. Натижада у табиатдаги барча ночор, итоаткор тирик жонлилар сафидан ажралиб чиқиб, унинг ҳукмронига, табиий жараёнларнинг ҳақиқий ва тўлақонли назоратчисига айланди. Агар инсонда иқтисодий онглаш қобилияти ва унинг ривожланишига туртки берувчи тафаккур юритиш қудрати бўлмаганда эди, у барча табиат мавжудотлари сингари, табиатнинг инжиқликлари ва катаклизмлари олдида ожиз, ночор тирик жонлилар галасига айланиб қолиши муқаррар эди. Бугунги кунда инсон табиатни ўзига буйсундириш, унга бевосита таъсир кўрсатиб, ўзининг ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур бўлган турли-туман ноз-неъматларни катта миқдорда ишлаб чиқариш шарафига муяссар бўлди. Натижада ер қаҳридаги сув ҳам, осмонда парвоз қилиб юрган қуш ҳам унинг ўлжасига, ҳаёт кечириш воситасига айланди.

Кишилиқ жамияти иқтисодий тараққиёти жараёнида содир бўлган ушбу воқеликларнинг содир бўлишига сабаб бўлган, инсонни йўқчилик ва табиат олдидаги ожизлик гирдобидан холос этиб, уни иқтисодий мўл-кўлчилик ва фаровон ҳаётга олиб чиққан қудратли куч нима? Бизнингча, бу қудратли куч – инсонга Яратган саҳийлик билан инъом этган онглаш, идрок этиш, таҳлил қилиш, тафаккур юритиш қобилияти. Иқтисодий онг ва тафаккур – бу фаровон яшаш учун имконият, ночорлик ва йўқчилик азоб-уқубатларидан қутулиш учун нажот, келажак учун тараққиёт омили.

Яратганнинг ўзи инсонга, бир томондан, беҳисоб ер ости ва ер усти табиий бойликларини ҳадя этди, яъни имконият яратиб берди, иккинчи томондан эса, ушбу имкониятдан оқилона, унумли фойдаланиш учун унга қудратли қурол, яъни иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурни, совға қилди. Ўтган тарихий давр мобайнида инсон Оллоҳ унга раво кўрган шароит ва

имкониятлардан унумли фойдаланди, ўзининг иқтисодий тафаккур юритиш қобилияти ёрдамида иқтисодиёт соҳасидаги амалий тажрибабаларни умумлаштириб, уни юксак назарий даражаларга кўтарди. Натижада иқтисодиёт илми эрамиздан олдинги 4-3 асрларда грек файласуфи Ксенофонт томонидан ихтиро этилган оддий “Иқтисодиёт” (“Ойкономиа”), яъни “Экономика” иборасини, кейинчалик, XVII асрда француз иқтисодчиси Антуан де Монкретьен томонидан “Сиёсий иқтисод” (“Политикос ойкономиа”) иборасини ишлатишдан ракамли иқтисодиётни шакллантириш Кейнснинг ва неокейнсчиларнинг иқтисодий ўсиш ва инсон эҳтиёжларини қондиришнинг замонавий моделлари даражасигача кўтарилди. Инсон айнан юксак иқтисодий тафаккур ёрдамида сайёрамизнинг бир четидан унинг бошқа бир кутбларида кечаётган воқеликларни намойиш этиш, кузатиш, жоиз бўлса, космик кемаларда бошқа сайёраларга парвоз қилиш, ўзига монанд роботларни яратиш, шахмат ўйинида жаҳон чемпиони Гарри Каспаровни енгишга қодир компьютер яратиш қудратига эга бўлди.

Лекин, биз юқорида баён этилганларни иқтисодий тафаккурнинг инсон ҳаётини фақатқигина тараққиётнинг бугунги юқори чўққиларига олиб чиққанликдаги муҳим ролини очиб бериш учун эмас, балки унинг кишилиқ жамияти порлоқ келажагини таъминлашда ҳали рўёбга чиқмаган чексиз имкониятлари ҳам мавжудлигини таъкидлаш учун баён қилдик.

Илму-фан кишилиқ жамияти ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг чегара билмас омилидир. Бугунги кунда инсон эришган иқтисодий тафаккур, унинг эвазига олинган моддий ва маънавий бойликлар кишилиқ жамияти иқтисодий тараққиётининг охири нуқтаси эмас. Инсон иқтисодий тафаккури ҳам бепоён коинот мисол чексизликка интилади. Ушбу омил токи ер юзида инсон ва унинг ҳаётий эҳтиёжлари бор экан, иқтисодий тараққиётга ўзининг кучли таъсирини кўрсатишда давом этаверади. Унинг келажақда инсонни иқтисодий тараққиётнинг, осойишта фаровон ҳаётнинг қай даражаларига олиб чиқиши

мумкинлигини бизнинг ҳаттоки бугунги бой фантазиямиз ҳам тўла тасаввур қилишга ожизлик қилади. Лекин бугун бир нарсани ҳеч шубҳасиз аниқ айтиш мумкинки, у ҳеч қачон тўхтаб қолмайдиган узлуксиз жараён, чунки инсон ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ҳаёт унинг олдига қўйган энг мураакаб, ноординар иқтисодий муаммонинг самарали ечимларини излайди ва албатта ижобий натижага эришади. Бунга унинг юксак иқтисодий тафаккури ишончли таянч бўлади.

Хулоса қилиб айиганда, кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодий тараққиётда, нодир иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш эвазига, жаҳон ҳўжалигида пешқадамлик қилаётган, иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган ҳамда иқтисодий қолоқ мамлакатлар ҳисобидан беҳисоб бойликларни ўзлаштираётган Ғарб давлатларининг ютуқлари уларнинг иқтисодий тафаккурининг чексиз имконияларидан унумли фойдаланганликлари билан белгиланади. Демак, Янги Ўзбекистонни дунёнинг иқтисодий жиҳатдан устун ривожланган қудратли давлатларидан бирига айлантириш, иқтисодий тараққиётнинг юқори чўққиларини забт этиш, авваламбор, иқтисодий тафаккурнинг чексиз имкониятларидан унумли фойдаланиш пойғасида устунликка эришиш билан боғлиқ. Бу эса ўзимизга, фақат ўзимизга, онгимиздаги иқтисодий билим ва кўникмаларни кенгайтиришга, иқтисодий тафаккурнинг улкан имкониятларини иқтисодий тараққиётнинг етакчи омилига айлантира билиш, тўла сафарбар қилиш қобилиятимизга боғлиқ.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мамлакат ташқи айланмасида экспорт-импортнинг йўналишлар бўйича таркибий тузилишини такомиллаштириш борасида оқилона сиёсаб олиб борилмоқда. Натижада экспорт таркибида хомашё товарларининг улуши кекин қисқариб (маслан, пахта), импорт таркибида машина ва жиҳозларнинг улуши кескин ошди (масалан, машина ва жиҳозлар). Мамлакатнанг хомашё ресурсларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида четга экспорт қилиш сиёсати Ўзбекистонга четдан импорт қилинадиган замонавий машина,

ускуна ва жиҳозлар улушини кескин оширишни тақозо этди. Ушбу сиёсат Ўзбекистон миллий иқтисодиётини юксалтиришнинг биринчи босқичида ўзининг ижобий самарасини берди: ҳар бир хомашё сарфлари эвазига олинадиган қўшилган қиймат миқдори кўпайди. Лекин у мамлакатни дунёнинг иқтисодий устун ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашни мўлжалга олган макроиқтисодий сиёсати талабларига ҳали тўла жавоб бермайди.

Ўзбекистон дунёнинг ривожланган Ғарб давлатлари сафидан ўзига муносиб ўринни эгаллаши учун, унда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари уларникидан (бошқа ривожланаётган давлатларникидан ҳам) сезиларли даражада юқори бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, аҳоли ҳаёт фаровонлигини тубдан ошириш, иқтисодий тараққиёт пойгасида пешқадамликни қўлга киритиш борасидаги эзгу мақсадларимиз қогозда қолиб кетади.

Янги Ўзбекистонда ибратга лойиқ ҳақиқий иқтисодий мўъжизи содир бўлиши учун у аста-секин, босқичма-босқич замонавий, қимматбаҳо машина ва жиҳозларнинг импортёридан уларнинг экспортёрига айланиш сиёсатини тутмоғи лозим. Бундай юксак марраларга эришишнинг асосий шарти – мамлакатда иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурни замон талаби даражасига кўтаришдан иборат.

Иқтисодий тафаккур инсонни тараққиётнинг нечоғли юксак чўққиларига олиб чиқиши мумкинлиги хусусида жуда кўп тарихий далилларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Биринчи мисол

Адам Смит, Дэвид Рикардо, Джон Мейнард Кейнс, Альфред Маршалл, Йозеф Шумпетер, Мильтон Фридман каби оламга машҳур иқтисодчилар, юксак, ноёб иқтисодий тафаккур соҳиблари эдилар. Афсуски, уларнинг юксак иқтисодий тафаккури, буюк, ноёб истеъдоди туфайли ихтиро этилган иқтисодий қонунларнинг, назария ва илғор, прогрессив ғояларнинг кишилик жамияти

тараққиётига, уни бойитишга қўшган хиссасини ҳисоблаб чиқишнинг ва рақамларда ифода этишнинг иложи йўқ. Масалан, кишилик жамияти оламга машҳур буюк иқтисодчи Кейнснинг доно маслаҳатлари ва илмий тавсияларига таянган ҳолда, бутун жаҳон хўжалигини, унинг таркибидаги барча мамлакатлар миллий иқтисодиётини ларзага келтирган, батамом издан чиқарган, беҳисоб иқтисодий йўқотишларга сабабчи бўлган Буюк депрессиянинг даҳшатли гирдобидан тарққиётнинг равон йўлига олиб чиқиш шарафига муяссар бўлди.

Мана шундан келиб чиққан ҳолда, бир шу мисолда иқтисодий тафаккурнинг кишилик жамиятининг иқтисодий тараққиётга эришишдаги роли нечоғлик кучли эканлигини, бекиёс эканлигини изоҳлаб бериш мумкин. Ўша оғир дамларда, табиийки, бутун дунё етакчи иқтисодчиларининг, барча иқтисодчи олимларнинг бутун диққат-эътибори жаҳон жўжалигини бутунлай қамраб олган ҳалокатли инқироз гирдобидан олиб чиқишга қаратилган эди. Табиийки, дунёнинг барча етакчи иқтисодчилари кутилмаганда юзага келган муаммоли иқтисодий вазиятдан чиқиш, иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган баҳс-тортишувларда фаол иштирок этдилар, ушбу ўта долзарб муаммонинг ечими бўйича ўз қарашларини, ёндашувларини, илмий таклиф ва тавсияларини муҳокамага чиқардилар. Лекин, уларнинг ичидан фақат Кейнс ушбу оғир, ўта оғир муаммонинг тўғри ечимини излаб топиш шарафига муяссар бўлди ва бунинг эвазига дунёнинг буюк иқтисодчиси сифатида тан олинди. Нима учун? Чунки унинг иқтисодий тафаккури бошқа Буюк депрессия муаммоси тадқиқотларида иштирок этган сон-саноксиз рақобатчи сафдошлариникидан юқори эди, яъни у тенги йўқ, яккаю-ягона юксак иқтисодий тафаккур соҳиби эди. Шунинг учун ҳам у атиги 45 бетдан иборат “Бандлик, кредит ва фоизнинг умумий назарияси” (1936 йил) номли мўъжазгина асарида ёритган илмий ғоялари ёрдамида иқтисодиёт фанида бутун дунё иқтисодчилари эътироф этган том маънода илмий тўнтариш ясади. Ушбу ноёб асар вазн жиҳатидан жуда енгил, лекин мазмун-

моҳияти жиҳатидан юзлаб, минглаб илмий асарлардан устун туради. Чунки унда тенги йўқ юксак иқтисодий тафаккур мужассам.

Бир нарсани аниқ айтиш мумкинки, Кейнс ва у каби истеъдодли иқтисодчи олимларнинг жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган илғор иқтисодий ғоялари, фанда чинакамига тўнтариш ясаган илмий назариялари кишилик жамиятига беҳисоб моддий бойлик келтирди, инсоннинг тўқ-фаровон ҳаёт томон ҳаракатига йўлбошчилик қилди. Кишилик жамияти иқтисодий тараққиётига уларнинг қўшган хиссасини қиймат жиҳатидан миллионлаб, юз миллионлаб оддий ишлаб чиқарувчиларларнинг бир неча йиллик машаққатли меҳнати билан яратилган моддий бойликка қиёслаш мумкин. Уларнинг илғор илмий ғоялари, иқтисод фанини бойитишга қўшган салмоқли хиссалари иқтисодий тараққиётнинг кутилмаган, тасодифларга тўла, қоп-қоронғу кўчаларини чароғон этишда, кишилик жамиятини бугунги мўл-кўлчиликка олиб чиқишда машъал вазифасини бажарди.

Иккинчи мисол

Инсон иқтисодий тафаккурининг куч-қудратини оламга машхур Карл Маркс таълимоти асосида ҳам яққол ёритиб бериш мумкин. Коммунистик жамият қуриш назариясининг ихтирочиси Карл Маркс дунёнинг буюк иқтисодчиларидан бири сифатида эътироф этилган. Амалий тажриба унинг назарияси нотўғрилигини, коммунизмга ўтиш ғояси сохталигини, пучлигини кўрсатди. Бизнингча, иқтисодчининг буюклиги унинг бутун умри давомида III томдан иборат “Капитал” номли асар ёзиб, коммунизмга ўтиш тўғрисида янги таълимот яратганлигида эмас, балки илмийликдан йироқ бўлган ана шу сохта назарияга миллионлаб, юз миллионлаб кишиларни ишонтира олганлигида. Унинг сохта, схоластик ғояларига ишонган авом халқ қўлига қурол олиб, революцион тўнтаришларда фаол иштирок этди, жуда кўп кишилар жанг майдонларида ҳаттоки жонини ҳам қурбон қилди. Натижада сайёрамизда 15 та республикалардан таркиб

топган СССР давлати, 14 нафар мустақил давлатни қамраб олган социалистик лагер вужудга келди. Маркс таълимотига, унинг схоластик ғояларининг ҳаётийлигига қатъий ишонган, уларни ҳаққоний деб қабул қилган доҳийлар, давлат арбоблари, олимлар, иқтисодчилар, кенг халқ оммаси анча тарихий давр давомида ушбу ғоянинг амалиётга тадбиқ этишга, рўёбга чиқаришга ҳам уриниб кўрдилар. Лекин кишилик жамиятига жуда қимматга тушган Маркс таълимоти амалий тажрибада ўзининг илмийлигини, ҳақоний эканлигини исботлаб бераолмади. Бехуда экспериментлардан сўнг Маркс таълимоти батамом инқирозга учради, кишилик жамияти ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча олтин қондаларига қатъий риоя қиладиган тизим — замонавий бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини тутди.

Ҳар қандай соғлом фикрлайдиган кишида бутун дунёни сувсиз тебратган, жуда кўп кишилар қатъий ишонган коммунистик жамият қуриш ғоясининг инқирозга учрашининг сабаби нимада, деган саволнинг туғилиши табиий? Оддийгина қилиб тушунтириб беришга уриниб кўрмоқчимиз.

Маркснинг иқтисодий таълимоти аввал бошдан табиат қонунларини етарли даражада эътиборга олмаган ҳолда, аниқроғи, унинг объектив қонунларини инкор этиш асосида яратилган эди. Маълумки, табиат инсонни, қолган барча тирик мавжудотлар сингари, муайян ҳаётий эҳтиёжлар ва ушбу эҳтиёжларни қондириш имконини берувчи истеъмол қилиш қобилияти билан қуроллангандир. Демак, инсон, ўз табиатига кўра, биринчи навбатда, истеъмолчидир. Табиатан у истеъмол қилиб яшашга, ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга, яъни табиатнинг объектив қонунларига итоат қилишга, мажбур. Айниқса, инсоннинг физиологик эҳтиёжларини қондириш хусусида гап кетганда, ушбу ҳақиқат инкор қилиб бўлмайдиган аксиомага айланади. Аксарият тадқиқотчилар томонидан тан олинган, 5 қисмдан таркиб топган, Маслоу эҳромининг асосида инсоннинг биринчи даражали эҳтиёжи сифатида айнан физиологик эҳтиёжлар ўрин олганлиги ҳам бежиз эмас. Мутахассисларнинг фикрига кўра,

инсон озик-овқат маҳсулотлари истеъмолисиз 40 кунгача, сув истеъмолисиз 10 кунгача жон сақлаши мумкин экан. Демак, ҳар қандай куч, жамият қонуни, назария, иқтисодий таълимот ёки бошқа воситалар инсонни истеъмол қилиш ташвишлари ва азоб-укубатларидан қутқариб олишга ёки маҳрум қилишга ожизлик қилади.

Маркс капиталист ихтиёридаги шахсий мулкни мусодара қилиш, куч билан тортиб олиш (экспроприаторларни экспроприация қилиш), пировард натижада, уни ишчи-пролетар синфи фойдасига тақсимлаб бериш йўли билан жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш ғоясини ихтиро қилди. Лекин, ушбу тадбир ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан жамиятда социал адолат ўрнатиш тамойилларига батамом зид бўлиб, адолатнинг ўрнатилишига эмас, аксинча, унинг қўпол тарзда бузилишига олиб келди. Мантиқий далиллар:

Биринчидан, капиталистнинг шахсий мулки унинг қўп йиллар давомида ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш, элу-юрт дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдириш, мулксиз, ночор кимсаларни иш билан таъминлаш борасида тинимсиз олиб борган иқтисодий фаолиятининг маҳсули, амалий натижаси. Ўзига тегишли бўлган шахсий мулкни ишлатишдан олинган фойда эса унинг ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишда ноёб тадбиркорлик қобилият соҳиби сифатида қўшган ҳиссаси учун, шахсий даромадини тақсимлашда ўз истеъмолини чеклаб, жамғаришга катта мойиллик билдирганлиги учун, иқтисодий ресурслардан фойдаланишда ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймай, ишлаб чиқариш жараёнларида тежамкорлик тамойилларига қатъий риоя қилганлиги учун жамиятнинг уни тақдирлаган, унга инъом этган, ижтимоий адолат юзасидан кечиб берган ўзига хос мукофоти.

Ҳозирги замон иқтисодиёт назарияси Карл Маркс ўз вақтида революцион тўнтариш йўли орқали, куч билан жамиятда социал адолат ўрнатиш муаамосининг ечимини анча маданийлашган, эволюцион йўллари излаб топди ва амалиётга муваффақиятли

жорий этди. Бу ҳам бўлса, эркин бозор иқтисодиёти ва кескин рақобат шароитида яратилган ва бозор субъеклари ўртасида аллақачон биринчи тақсимот босқичидан ўтган миллий даромадни давлат бюджети ёрдамида қайта тақсимлаш орқали (миллий даромаднинг иккинчи тақсимоти) аҳолининг кам даромадли, иқтисодий мададга муҳтож қатламларини, камбағалларни моддий қўллаб-қувватлаш тизими.

Мамлакатда ишлаб чиқарилган миллий даромад давлат давлат, уй хўжаликлари, тадбиркорлар ўртасида ижтимоий адолат қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, тақсимланади. Бу миллий даромаднинг биринчи тақсимоти. Тақсимот жараёнида ҳар бир иштирокчи ЯИМ ни яратишга ўзинингқўшган ҳисасига мувофиқ, ўзининг улушини олади: давлат – солиқ даромадлари, уй хўжаликлари – иш ҳақи ва кредит фоизлари, тадбиркор – фойда. Талаб, таклиф, нарх, рақобат механизмларининг кучли таъсири остида яратилган миллий даромаднинг ҳар уччала бозор субъектлари ўртасида тақсимлаш жараёнида ҳамкорлик муносабатлари қарор топади. Ушбу муносабатларнинг замирида томонларнинг иқтисодий манфаатдорлиги ётади. Шу тарика, жамиятда, ишлаб чиқариш ва унинг пировард натижаларини (ҳамкорликда яратилган миллий даромадни) тақсимлаш жараёнида бозор субъектлари ўртасида тенглик таъминланади. Ушбу тенглик бозор механизмларининг, яъни талаб, таклиф, нарх ва рақобатнинг амал қилиши ҳисобидан таъминланади. Унинг моҳияти шундаки, ҳамкорликда ишлаб чиқарилган миллий даромаддан ҳар бир иштирокчи якуний натижага қўшган ҳиссасига мувофиқ тарзда факат ўзига тегишли бўлган қисминигина олади. Бунда “Кўпроқ ҳисса қўшган – кўпроқ улушга эга” тамойили амал қилади. Натижада ҳар уччала томон миллий даромадни кўпайтиришдан ва бунинг эвазига ўзи оладиган даромадларини оширишдан манфаатдор бўлади ва миллий даромад ҳажминини кўпайтиришга астойдил интилади. Ушбу интилишлар бозор субъектлари ўртасида ўзаро иқтисодий манфаатларлик мувозанатига

эришишни, яъни ижтимоий адолат тарозисини ўрнатишни, таъминлайди, жамият жадал тараққиёт томон юз тутати.

Хусусий мулкнинг индивид нуқтаи назаридан ижобий жиҳати унинг,

қабиланинг жамоа мулкидан фарқли ўлароқ, кишиларни мулкдан фойдаланишда ўзининг барча имкониятларини тўла сафарбар қилишга (“мол аччиғи – жон аччиғи”), мулкдан самарали фойдаланишга ва унинг ҳажмини узлуксиз кенгайтиришга рағбатлантирганлигида намоён бўлди.

Хусусий мулкнинг бевосита таъсири остида инсоннинг дунёқарашида ва иқтисодий фаолиятида кескин ўзгаришлар содир бўлди: иқтисодий фаоллиги ошди, мол-мулкдан асраб-авайлаб, тежамкорлик билан самарали фойдаланишга қизиқишини кучайтирди, ресурсларни оқилона тақсимлаш ва уларнинг сарфидан имкон қадар юқорироқ натижа олишга рағбатлантирди. Шу билан бирга, шахсий мулк эгаси хўжаликни тўғри ташкил қилиш ва самарали бошқариш орқали мол-мулкдан фойдаланиш жараёнидаги исрофгарчиликларнинг олдини олишга эришди.

Хусусий мулк чексизликка интилувчи ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг равон йўлига чиқишнинг, эришишнинг калити, бош омили. Иқтисодий самарадорлиги жиҳатидан хусусий мулк қолган барча мулк шаклларида (давлат мулки, жамоа мулки, корпоратив мулк ва бошқалар) устун туради. Бунинг сабаби шундаки, хусусий мулк моҳиятан инсоннинг истеъмолга бўлган табиий интилишларини, хис-туйғуларини рўёбга чиқариш жараёнларининг ўз онгидаги инъикоси, тасвири. Хусусий мулк инсонга жамоа мулқига нисбатан инсон шахсий истеъмолини ташқи омиллар таъсиридан ҳимоялашнинг, қафолатлашнинг анча ишончли ва самарали омили сифатида дунёга келди. Узоқ йиллар давомида йўқчилик, очарчилик азоб-уқубатларидан қаттиқ изтироб чеккан инсон учун хусусий мулк инсон ҳаётида содир бўлиши мумкин хавф-хатарлардан, очлик ва йўқчиликдан қутулиш, унинг олдини олишнинг қудратли кўрғонига айланди.

Инсон зўр бериб бу кўрғонни мустақкамлашга, яъни ўз мулкани кўпайтиришга киришди.

Хусусий мулкнинг дастлабки пайдо бўлган замонлардан ўтган давр мобайнида унинг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги роли тобора ошиб борди ва кишилик жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодий юксалишнинг асосий омилига айланди. Ушбу мулк шаклининг тараққиётдаги етакчилик ролини инкор қилиб, мусодара қилиш йўли билан уни давлат мулкига айлантирган собиқ Советлар давлатининг қарийб етмиш йил давом этган ва охир-оқибатда муваффақиятсизликка учраган тажрибасининг аччиқ сабоклари фикримизнинг ёрқин исботидир. Беҳуда уринишлардан сўнг СССР, қолган барча социалистик тараққиёт моделини танлаган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда хусусий мулкнинг давлат мулкидан устунлигига амалда иқдор бўлдилар ва далаат мулкани хусусийлаштириш ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш орқали хусусий мулк институтини қайта тиклашга мажбур бўлдилар.

Иккинчидан, Карл Маркс таълимотининг инкирозга юз тутиши сабабларидан яна бири – унинг узоқ келажакни олдиндан кўра билмаганлигида, деб ўйлаймиз. Маркснинг революцион йўл билан социализмга ўтиш ғояси амалиётга жорий этилди: 1917 йилда чор Россиясида революция ғалаба қозонди, пролетар диктатураси ўрнатилиб, капиталистларнинг мулки мусодара қилинди. Капиталистларнинг мулки давлат мулки, умумхалқ мулки, деб эълон қилинди. Лекин, буюк назариётчи тахмин қилган, мўлжалга олган иқтисодий мўъжиза амалда содир бўлмади, яъни миллий даромаднинг жамият аъзолари орасида ўзаро тенглик, моддий манфаатдорлик тамойиллари асосида “Ҳар кимдан – қобилиятига яраша, ҳар кимга – меҳнатига яраша” тақсимотини таъминлаш ғояси амалда ўз исботини топмаган оғзаки шиорга айланиб қолди. Капиталистларнинг ишчи ва деҳқонларга соф текинга тушган, революция оқибатида ўз эгасидан жудо бўлган шахсий мулки қадрсизланди, унга эгалик

қилиш, уни тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва натижаларин ўзлаштириш муносабатларини шакллантиришда жиддий, ғайрииктисодий хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Ишчи-деҳқонлар эгасиз қолган мулкни асраб-авайлаб, кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш ўрнига, ундан имкон қадар, кўпроқ фойдаланиб қолиш, ўз улушига тегадиган қисмини кўпайтириш пайида бўлдилар. Боз устига, оддий ишчи ёки деҳқоннинг мулкдан самарали фойдаланиш тажрибасининг йўқлиги, уни ишлатиш ва ундан фойдаланиш кўникмаларининг ҳали шаклланмаганлиги ижтисоий ишлаб чиқариш суръатларининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлди. Энг даҳшатлиси, олдинги мулкдорларда узок йиллар давомида шаклланган мулкка эгаллик қилиш маданияти инкор этилди, унинг ўрнига мулкка нисбатан туғма иммунитети заиф, очкўзликда капиталистлардан чандон ўтиб кетган янги, оддий ишчи ва деҳқонлардан таркиб топган, мулкдорлар синфи қатлами пайдо бўлди. Нега йиллар давомида йўқчилик азоб-уқубатларидан эзилиб, тақдир тақазоси билан бор шахсий мулкни қўлга киритган, мулк эгасига айланган янги мулкдорлар миллий даромад тақсимотида социал адолат тамойилларини ўрната олмадилар? Чунки уларнинг мулккий муносабатларга нисбатан хулқ-атвори, дунёқароши ҳам, худди олдинги мулкдорлардаги сингари, Маркснинг схоластик назариялари асосида эмас, балки инсоннинг истеъмолга бўлган ҳаётий эҳтижлари асосида шакллланади. Ишчи-деҳқонлар ҳам инсон сифатида истеъмол қилишга, келажакда истеъмол хавфсилигини кафолатлаш мақсадида бойлик тўплашга, жамғаришга мажбурдирлар. Мулккий муносабатларнинг издан чиқиши ижтимоий-иктисодий тараққиёт суръатларига катта салбий таъсир кўсатди, Маркснинг ғояси билан яратилган янги иктисодий тизим капитализм билан рақобатга бардош беролмай, батамом инкирозга юз тутди.

Юқоридаги тафсилотларнинг баёнини биз Маркс таълимотини танқид қилиш ёки ушбу назария кишилиқ жамияти ижтимоий-иктисодий тараққиётига негатив таъсир кўрсатганлини исботлаб

бериш мақсадида келтирганимиз йўқ. Асосий мақсад – юқорида қайд этилган танқидий фикр-мулоҳазалар ёрдамида инсон иқтисодий тафаккурининг чексиз имкониятларини, куч-қудратини, ҳаттоки у сохта бўлган тақдирда ҳам, миллионлаб кишиларнинг ишончини қозониши, уларни революцион тўнтариш сари етаклаб бориши ҳам мумкинлигини қайд этмоқчимиз.

Учинчи мисол

Иқтисодий тафаккурнинг инсон ҳаётидаги ролини алоҳида индивид мисолида ҳам изоҳлаб бериш мумкин. Масалан, тақдир тақазоси билан оролда якка ўзи қолиб кетиб, ўзининг ақлу-заковати билан оғир иқтисодий шароитда зарурий эҳтиёжларини қондириш ва жон сақлаб, тирик қолиш Робинзон Крузода мужассам бўлган кучли иқтисодий тафаккурнинг амалий натижаси. Айнан кучли иқтисодий тафаккур уни таҳдид солган ўлим чангалидан қутқариб қолди, бу билан у ўзининг юксак иқтисодий тафаккур соҳиби эканлигини намоён этди. Кеманинг ҳалокатга учрашидан олдинги даврда Крузо ўз онгида шаклланган иқтисодий билим ва кўникмаларга таяниб, уни ижодий ривожлантириб, якка ўзи, ҳеч кимнинг четдан ёрдамисиз, зарурий эҳтиёжларини қондириш, ҳалокатли иқтисодий вазиятдан чиқиш имконини излаб топди. Кимсасиз бир оролда когнитив иқтисодий тафаккур ёрдамида ўз ҳаёти учун курашди, бугдой экиб, етиштириб, эчкини соғиб, сутини ичиб, кун кечирди. Агар Робинзон Крузонинг онгида ўз аксини топган, олдиндан шаклланган иқтисодий билим ва ҳаётий тажриба бўлмаганда эди, агар у ушбу билимларни фавқулудда юзага келган мураккаб вазиятга мослаб, батамом янги даражаларга кўтариш иқтисодий қобилият соҳиби бўлмаганда эди, ҳаёт билан хайрлашиши муқаррар эди.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, агар биз ривожланган мамлакатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб, уларнинг халқи сингари мўлкўлчиликда бой-бадавлат яшашни хоҳласак, ўз ҳаётимизда биринчидан, иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурнинг чексиз имкониятларидан унумли фойдаланиш зарурлигини, шартлигини тушуниб етмоғимиз, иккинчидан эса, уларнинг чексиз имкониятларида унумли фойдаланмоғимиз керак. Шундагина табиат (бой табиий ресурслар) ва жамият (бой маданий мерос) бизга сахийлик билан инъом этган беҳисоб иқтисодий ресурслар мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини оширишга, иш ҳақимизни кўпайтириб, дастурхонларимизни иқтисодий нознеъматларга тўлдиради, тўкин-сочинликда бой-бадавлат ҳаёт кечиришнинг кучли омилига айланади.

Бугунги кунда, иқтисодий онгимиз ва тафаккуримиз замон талабларидан ортда қолаётганлиги оқибатида қимматбаҳо ресурслардан унумли фойдана олмаётганлигимиз, истеъмол жараёнида катта исрофгарчиликларга йўл қўяётганлигимиз — сабаб, иқтисодий жиҳатдан имкониятимиздан паст даражада ҳаёт кечираётганимиз эса, унинг оқибатидир.

Мухаммедов М.М., Пардаев М.К.

**Иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккур хақида нимани
биламиниз?**

Рисола

07.02.2024 yilda chop etildi.

Qog'oz bichimi A5, 60x84¹/₁₆, Ofset qog'oz.

“Times New Roman” garnituras.

Nashr bosma tabog'i 2.87

Buyurtma № 0012A/24. Adadi 50 nusxa

**Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo'limida chop etildi.**

LICENSE № 025316.

REESTR № X-119112.

Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko'chasi 60-uy.

14332.00